

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

БАБАЖАНОВА ДИНАРА ИСЛАМОВНА

ОТА-ОНА ҚАРАМОҒИДАН МАҲРУМ БЎЛГАН
БОЛАЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ШАКЛЛАРИНИНГ
ОИЛАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Content of the abstract of doctoral dissertation

Бабажанова Динара Исламовна

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шаклларининг
оилавий-ҳуқуқий тартибга солиниши.....3

Бабажанова Динара Исламовна

Семейно-правовое регулирование формы устройства детей, оставшихся без
попечения родителей23

Babajanova Dinara Islamovna

Family-legal regulation forms for children left without parental
care.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....47

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

БАБАЖАНОВА ДИНАРА ИСЛАМОВНА

ОТА-ОНА ҚАРАМОҒИДАН МАҲРУМ БЎЛГАН
БОЛАЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ШАКЛЛАРИНИНГ
ОИЛАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Yu242 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsul.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Саидов Акмал Холматович
юридик фанлар доктори, академик

Расмий оппонентлар:

Қараходжаева Дилором Мамировна
юридик фанлар доктори, профессор

Юлдашева Шоира Рахматовна
юридик фанлар номзоди

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Миллий
гвардияси Ҳарбий-техник институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил 18 март соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36 факс: (99871) 233-37-48, e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (912-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар Амир Темур кўчаси 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2020 йил 6 март куни тарқатилди.

(2020 йил 6 мартдаги 16-рақамли реестр баённомаси).

И.Р.Рустамбеков

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, юридик
фанлар доктори, профессор в.б.

Д.Ю.Хабибуллаев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, юридик
фанлар номзоди, профессор

Н.Ф.Имомов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё мамлакатларида жамиятнинг асосий бўғини сифатида оила асосий ўринни эгаллайди. Ҳозирда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар сони ортиб бормоқда. ЮНИСЕФ маълумотларига кўра, «жаҳонда турли сабабларга кўра ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган 140 миллион етим болалар мавжуд»¹. Ҳисоботда келтирилган кўрсаткичларга кўра, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш, фарзандликка олиш, оилага тарбияга олиш (патронат), васий ва ҳомий тайинлашни оилавий-ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган нормаларни янада такомиллаштириш зарурати мавжуд.

Жаҳонда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш ва жойлаштириш, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шакллари қўлланилишининг ҳуқуқий тартиби, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шаклларининг оилавий-ҳуқуқий тартибга солинишини такомиллаштириш истиқболларини ўрганиш, суд ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муаммоларни илмий тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда оилалар барқарорлиги, вояга етмаган болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жисмонан ва маънавий соғлом болаларни тарбиялаш ва вояга етказишга алоҳида аҳамият берилди, хусусан, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни фарзандликка олишнинг суд тартиби жорий қилинди. Ҳозирда «оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, оиланинг фарзанд тарбияси борасидаги масъулиятини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда»². Бироқ «оила институтини мустаҳкамлашнинг қонунчилик асослари мукамал эмас, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва илғор хориж амалиётини ўрганиш асосида оилани ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш соҳасида мустаҳкам ҳуқуқий асос мавжуд эмаслиги»³ ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шаклларининг оилавий-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришни тақазо этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси (1998), «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги (2014) Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат

¹ https://www.unicef.org/media/media_45279.html

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги ПҚ-3808-сон қарорига 1-илова билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш Концепцияси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.06.2018 йил, 07/18/3808/1410-сон.

дастури тўғрисида»ги Фармонлари ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган устувор вазифаларнинг амалга оширилишида ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик давлатни ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқот мавзуси билан боғлиқ баъзи масалалар у ёки бу даражада ўрганилганлигини таъкидлаш лозим. Чунончи, МДХ мамлакатларида А.Нечаева, Л.Пчелинцова, М.Антокольскаялар мазкур масалани умумий асосларда ўрганишган. Мамлакатимиз цивилист олимлари Ф.М.Отахўжаев, О.Оқюлов, Н.Имомов, Д.М.Қараходжаева, У.Шорахметова, Т.В.Кочергина, Ш.Юлдашева, Ж.Дадабоева, Г.С.Инамджанова, Х.Б.Абдурахмоновлар болаларни оилага тарбияга олиш билан боғлиқ айрим (моддий ҳуқуқий) ҳолатларни тадқиқ қилишган¹.

Г.М.Тансыкбаева, Р.Ж.Матқурбанов, Н.А.Ашуровлар томонидан вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқий ҳолати, Э.Эгамбердиев, З.Н.Эсанова, Б.Т.Худояровлар томонидан эса, вояга етмаган болаларнинг процессуал ҳуқуқий ҳолати масаласи тадқиқ қилинган.

Хорижий мамлакатларда мавзунинг ўзига хос жиҳатлари Ezra Hasson (School of Law, University of Nottingham, Буюк Британия), Elizabeth Bartholet (Harvard Law School, АҚШ), S.M.Cretney, J.M.Masson (Law University of Warwick, Буюк Британия), Jean-Francois Mignot (French National Centre for Scientific Research, Франция) томонидан ўрганилган.

Гарчи ушбу олимлар томонидан вояга етмаган болалар билан боғлиқ у ёки бу масалалар маълум даражада тадқиқ этилган бўлса-да, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шакллариининг оилавий-ҳуқуқий тартибга солиниши бугунги кунда долзарб бўлган асосий муаммолари оила ҳуқуқи фанида ҳали алоҳида тадқиқот объекти сифатида комплекс равишда ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш муаммолари» (2014–2019) устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шакллариини илмий таҳлил қилиш, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шакллариининг

¹ Мазкур олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

оилавий-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш бўйича назарий ва амалий хулосалар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришнинг оилавий-ҳуқуқий тартибга солиш асослари ва тартибининг ривожланиш генезисини аниқлаш;

ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш мезонларининг ҳуқуқий тавсифини очиқ бериш;

ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмини таҳлил қилиш;

ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни фарзандликка олишнинг оилавий ҳуқуқий масалаларини тадқиқ этиш;

ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилага тарбияга олишнинг ҳуқуқий асосларини ўрганиш;

ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга васий ва ҳомий тайинлашда риоя этиладиган мезонларни ҳуқуқий таҳлил қилиш;

ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш устидан назоратни амалга оширадиган субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини очиқ бериш;

ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шакллари қайта кўриб чиқиш ва оилавий-ҳуқуқий жавобгарлик масалаларини тадқиқ этиш;

ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш институтини такомиллаштириш истиқболларига оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шакллари оилавий-ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлардир.

Тадқиқотнинг предмети ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шакллари оилавий-ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муаммолардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари илмий билишнинг тарихийлик, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, мантиқийлик, қиёсий-ҳуқуқий, статистик усулларидан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлиб, бошқа давлат ҳудудида доимий яшаётган болани Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан фарзандликка олишга доир таклифлар ишлаб чиқилган;

чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлиб, бошқа давлат ҳудудида доимий яшаётган болани Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан фарзандликка олишда фарзандликка олинаётган боланинг Ўзбекистон Республикасига кириши ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида

доимий яшаши учун Ўзбекистон Республикаси ваколатли органининг рухсатномаси талаб қилиниши асосланган;

ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишлар ота (она)нинг (уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг), прокурорнинг, шунингдек вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти юклатилган орган ёки муассасалар (васийлик ва ҳомийлик органи, вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар муассасалари ҳамда бошқа муассасалар) даъвосига биноан кўрилиши асослаб берилган;

фарзандликка олинганнинг ота-онаси, прокурор, васийлик ва ҳомийлик органлари, вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар, шунингдек ўн олти ёшга тўлган фарзандликка олинган бола фарзандликка олишни суд тартибида бекор қилишни талаб этиш ҳуқуқига эгаллиги асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни фарзандликка олиш, болаларни оилага тарбияга олиш ҳамда уларга васий ва ҳомий тайинлашда риоя этиладиган мезонлар ишлаб чиқилди;

ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштирилиши мўлжалланган болалар муассасалари (меҳрибонлик уйлари, ижтимоий мослашув маркази каби)га жойлаштириш орқали боланинг келгусидаги тақдирини ташкил этишнинг оилавий-ҳуқуқий усули бўлиб ҳисобланишига доир таклифлар ишлаб чиқилди;

ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш устидан давлат ва жамоатчилик назоратининг субъектлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда унинг зарурияти асослаб берилди;

ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шакллари юзасидан оилавий-ҳуқуқий жавобгарлик асослари ва тартиби, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришни қайта кўриб чиқиш ва бекор бўлишига доир қоидалар ишлаб чиқилди;

ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш институтини такомиллаштириш истиқболларига оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, халқаро тажриба ва миллий қонун ҳужжатларининг ўзаро таҳлил қилингани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларининг ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади. Ишдаги ахборот базасининг ишончлилиги фақатгина расмий нашрларда эълон қилинган статистик маълумотлардан, шунингдек монографик тадқиқотларда текширилган ва нашр этилган натижалардан фойдаланилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шакллари оилавий-ҳуқуқий тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига ва бошқа қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар тайёрланди ва улар қонун ижодкорлиги жараёнида фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қонун ижодкорлиги фаолиятида, хусусан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ҳамда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш жараёнида, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда ҳамда олий юридик таълим муассасаларида хусусий ҳуқуқ соҳасидаги «Оила ҳуқуқи», «Халқаро хусусий ҳуқуқ» фанлари ўқув жараёнида маъруза ва семинарлар ўтказишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шакллари оилавий-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлиб, бошқа давлат ҳудудида доимий яшаётган болани Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан фарзандликка олишга доир таклифлар Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 161¹-моддасида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2016 йил 20 октябрдаги 06/1-05/1521вх-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлиб, бошқа давлат ҳудудида доимий яшаётган болани Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан фарзандликка олишга доир муносабатларни самарали ҳуқуқий тартибга солишга кўмаклашади;

фарзандликка олишда фарзандликка олинаётган боланинг Ўзбекистон Республикасига кириши ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаши учун Ўзбекистон Республикаси ваколатли органининг рухсатномаси талаб қилинишига доир таклифлар Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 161¹-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2016 йил 20 октябрдаги 06/1-05/1521вх-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг қабул қилиниши фарзандликка олишда Ўзбекистон Республикаси ваколатли органининг рухсатномаси талаб қилиниши асосида боланинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилган;

ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишлар ота (она)нинг (уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг), прокурорнинг, шунингдек вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти юклатилган орган ёки муассасалар (васийлик ва ҳомийлик органи, вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар муассасалари ҳамда бошқа муассасалар) даъвосига биноан кўрилишига доир таклифлар Ўзбекистон

Республикаси Оила кодекси 80-моддасининг иккинчи қисмида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2020 йил 4 январдаги 02/1-01-сон хати). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишларда масъул давлат органларининг иштироқи орқали болалар ҳуқуқлари таъминланишига хизмат қилган;

фарзандликка олинганнинг ота-онаси, прокурор, васийлик ва ҳомийлик органлари, вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар, шунингдек ўн олти ёшга тўлган фарзандликка олинган бола фарзандликка олишни суд тартибида бекор қилишни талаб этиш ҳуқуқига эгаллиги ҳақидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 170-моддасида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2020 йил 4 январдаги 02/1-01-сон хати). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши фарзандликка олишни суд тартибида бекор қилишни ҳуқуқий таъминлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция ва семинарларда муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш, шу жумладан, 1 та монография, ОАКнинг диссертация асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 8 та мақола (1 таси хорижий нашрда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 9 та параграфни қамраб олган 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 148 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг «**Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш зарурати ва моҳияти**» деб номланган биринчи бобида ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш асослари ва тартиби, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш

мезонларининг ҳуқуқий тавсифи, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизми таҳлил қилинган.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлашнинг асослари ва ҳуқуқий тартиботи борасида аниқлик киритиш, тегишли ҳужжатларни тақдим қилиш, бу борадаги ҳуқуқий асос ва механизмларни такомиллаштириш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади.

«Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддаси васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари жумласига 4 та орган, яъни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари киришини кўрсатади. Бундан фарқли равишда Оила кодексининг 148-моддаси эса, умумий равишда бундай вазифани васийлик ва ҳомийлик органи амалга оширишини назарда тутади. Бу ўринда кодификацияланган қонун ҳужжатида аниқлик мавжуд бўлиши талаб қилинади.

Боланинг ота-она қарамоғидан маҳрум бўлганлигини тасдиқлаш учун васийлик ва ҳомийлик органи томонидан далолатнома тузилишига доир ваколатлари кенгайтирилиши, зарурий ҳужжат сифатида тан олинishi ҳамда болани жойлаштириш учун асос сифатида тан олинishi мақсадга мувофиқ.

Болалар муассасалари ҳозирги кунда асосан болаларга таълим-тарбия бериш функцияларини бажариб келмоқда. Дунё мамлакатларида мавжуд бўлган ушбу тизим босқичма-босқич оилалар билан ишлашга жалб этилиб, болаларни муҳофаза қилишга, оилавий тарбиялаш шаклларини кенгайтиришга асосий эътибор қаратмоқда. Масалан, ота-онанинг ишга жойлашишига кўмаклашиш бир нафар боланинг ота-она қарамоғидан маҳрум бўлмаслигига олиб келади. Натижада давлатнинг функционал мажбуриятлари камаяди ва боланинг оилавий тарбия муҳитида вояга етишига имкон беради.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш тушунчаси оила қонунчилигида ўз ифодасини топиши зарур. Ушбу тушунча ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш тушунчаси, ҳуқуқий механизми ҳақида тўлиқ маълумот бериши мақсадга мувофиқ.

ЮНИСЕФ маълумотларига кўра, «токи дунёда болаларга нисбатан мавжуд эътиборсизлик, адолатсизлик натижасида 2030 йилда 167 миллион бола фавқулодда муҳтожликда, очлик ва ташналикда яшайди, 69 миллион нафар 5 ёшдан ошмаган болалар эса, 2016-2030 йиллар оралиғида ҳалок бўлади, 60 миллион болалар бошланғич таълимни мактабларда олмайди»¹. Ушбу кўрсаткич ниҳоятда ачинарли бўлса-да, бугунги кун воқелигини ўзида акс эттиради. Ушбу вазиятни юзага келиши турли объектив сабабларга боғлиқ бўлса-да, унинг муайян қисми бевосита ҳуқуқий тартибга солишдаги

¹ The State of the World's Children 2016 A fair chance for every child //United Nations Children's Fund (UNICEF). June 2016. 3 United Nations Plaza, New York, NY 10017, USA. P.3.

камчиликлар, мавжуд муаммоларни самарали бартараф этиш механизмлари мавжуд эмаслиги билан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги маълумотларига кўра, «бугунги кунда республикада 22 та Меҳрибонлик уйлари бўлиб, унда 2483 нафар болалар (бундан 1046 нафари қиз болалар) тарбияланмоқда ва 3 та оилавий болалар уйи мавжуд»¹. Ушбу кўрсаткич халқаро статистик маълумотлардан юқори бўлмасада, жаҳон бўйича нисбатан кам кўрсаткич деб айтиш мумкин. Шундай бўлса-да, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришга доир ҳуқуқий муаммолар мавжуд.

Диссертантнинг фикрича, гарчи ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришда васийлик ва ҳомийлик органининг функционал вазибаларини белгиловчи алоҳида қонун ҳужжатлари қабул қилинган бўлса-да, ушбу қонун ҳужжатлари аксарият маъмурий-ҳуқуқий нормалар билан йўғрилган. Оилавий-ҳуқуқий тартибга солиш методологияси, оилавий-ҳуқуқий нормалар мавжуд бўлмаган ҳолатларда фуқаролик-ҳуқуқий нормаларни қўллашга доир қоидалар ушбу муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик мазмунига сингдирилмаган. Натижада қонун ҳужжати бир томонлама – маъмурий усул ва воситалар билан ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш масаласини тор, биқик ҳолатда тартибга солмоқда.

Диссертант қандай навбат асосида ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар жойлаштириш муаммоларини таҳлил қилган ҳолда аввало: 1) фарзандликка олиниши; 2) оилага тарбияга берилиши; 3) васийлик ва ҳомийликка берилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди.

Муаллиф ҳозирги кунда одатдаги оилада бола икки ёшга тўлгунга қадар тўланадиган нафақа ушбу оила аъзоларининг даромадлари, кам таъминланганлик мақомида бўлиши билан бевосита боғлиқ, деб таъкидлайди. Шу боисдан болани моддий таъминлаш нуқтаи назаридан тарбияга (патронат)га олиш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бироқ бунда битимни бекор қилиниш хавфи ҳамда бола ва тутинган ота-она ўртасидаги муносабатнинг вақтинчалик характери келгусидаги ҳуқуқий муносабатларнинг барҳам топиш эҳтимолини доимо сақлаб қолади. Демак, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болани оилага тарбияга олиш ҳозирги кунда мавжуд бўлган ягона ҳақ тўланадиган оилага жойлаштириш шакли ҳисобланади. Келгусида ҳам айнан ушбу оилага жойлаштириш шакли ўз мавқеи ва ўрнини сақлаб қолади.

«Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шакллари қўлланилишининг ҳуқуқий тартиби» деб номланган иккинчи бобда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни фарзандликка олишнинг оилавий ҳуқуқий масалалари, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилага тарбияга олишнинг ҳуқуқий асослари, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга васий ва ҳомий тайинлашда риюя этиладиган мезонларининг ҳуқуқий таҳлили амалга оширилган.

¹ www.uzedu.uz.

Оила кодексининг 151-моддасига боланинг қандай мақомда бўлиши, унинг ҳуқуқ ва манфаатларининг қай даражада таъминланиши борасида ҳам аниқлик киритиш татқил қилинади. Муаллифнинг фикрича, фарзандликка олинувчи бўлиш учун:

биринчидан, бола вояга етмаган бўлиши;

иккинчидан, фарзандликка олиш боланинг манфаатига мос келиши;

учинчидан, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бўлиши;

тўртинчидан, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган боланинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилиши талаб қилинади.

Айрим олимлар (Д.М.Қараходжаева, Т.В.Кочергина, Ш.Шорахметова) болаларни оилага тарбияга олишда асосий ўрин эгалловчи ва унинг вужудга келиши бевосита боғлиқ бўлган эр-хотиннинг хоҳиш-иродасини «асос» сифатида кўради. Диссертантнинг фикрича, бундай «асос» вазифасини ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилага тарбияга берувчи васийлик ва ҳомийлик органи ҳамда тутинган ота-оналар ўртасидаги шартномани кўрсатиш мумкин. Чунки, мазкур шартнома мавжуд бўлмаса, бола оилага тарбияга олинмайди. Мазкур шартнома тузилиши учун эса, энг аввало, эр (хотин)нинг эрк-иродасини эркин равишда билдириши зарур бўлади. Кейинги навбатда эса, эр-хотинлар қонунда белгиланган талабларга жавоб бериши ҳамда тегишлича васийлик ва ҳомийлик органининг бу борадаги ҳулосаси олинishi зарур.

Оилага тарбияга олиш ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялаш шакли бўлиб, қонунда ва шартномада белгиланган тартибда ва шартларда амалга оширилади. Бунда қонунга мувофиқ оилага тарбияга олувчи ва олинувчи муайян ҳуқуқ субъектлигига эга бўлади ҳамда уларни (ота-оналарни) никоҳда бўлиш-бўлмаслигидан қатъий назар, биргаликда, умумий рўзғор, маиший турмуш тарзи билан боғлиқ ҳолда ўзаро ҳурмат ва ёрдам кўрсатган ҳолда, ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга ҳолда яшашини назарда тутди.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг мулк ҳуқуқини таъминлашда васийлик ва ҳомийлик алоҳида ўрин эгаллайди. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг мулк ҳуқуқини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг мулк ҳуқуқи. Ушбу ҳуқуқ Фуқаролик кодексининг 164-моддасига кўра ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир;

- ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг таъминот олиш ҳуқуқи. Мазкур ҳуқуқ шахс билан чамбарчас боғлиқ бўлган мулкый ҳуқуқ ҳисобланади. Бунда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола ўз ота-онаси ёки таъминот олиши мумкин бўлган шахслардан таъминот олиши мумкин;

- ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг мулкӣ (талаб қилиш) ҳуқуқи. Бунда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар бевосита ўз мулкӣ ҳуқуқларини ашёвий хусусиятга эга бўлмаган тарзда масалан, акциялар, дивидендлар, улуш, ижара ҳуқуқи, банк омонатлари тарзида амалга оширади;

- ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг мерос ҳуқуқи. Мерос ҳуқуқи ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқларини таъминлашда алоҳида ўрин эгаллайди. Оила кодексининг 93-моддасига кўра, вояга етмаган болаларнинг қонунда белгиланган тартибда мерос тариқасида олган мол-мулки уларнинг хусусий мулки ҳисобланади. Бундан ташқари, Оила кодексининг 165-моддасига асосан агар фарзандликка олинаётган боланинг отаси ёки онаси вафот этган бўлса, вафот этган отанинг ёки онанинг ота-онаси (бува ёки буви) илтимосига кўра боланинг шахсий номулкӣ ҳамда мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлари, агар боланинг манфаатлари шуни талаб этса, вафот этган отасининг ёки онасининг қариндошларига нисбатан сақланиб қолиши мумкин;

- ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг омонатларга бўлган ҳуқуқи. Оила кодексининг 27-моддасига кўра, эр ва хотиннинг умумий мол-мулки ҳисобидан ўртадаги вояга етмаган болалар номига қўйилган омонатлар ўша болаларга тегишли ҳисобланиб, эр-хотиннинг умумий мол-мулкисини бўлиш пайтида эътиборга олинмайди. Демак, бу ўринда учинчи шахс фойдасига тузилган шартнома сифатида вояга етмаганларнинг омонатларга бўлган ҳуқуқлар мавжуд бўлади.

Вояга етмаган шахсларни мулк ҳуқуқини амалга ошириш ва ҳимоя қилишда маъмурий-ҳуқуқий нормалар етакчилик қилади ва фуқаролик-ҳуқуқий ҳимояни амалга ошириш имкониятлари бирмунча тор доирада қолган. Шу боисдан Фуқаролик кодексига қуйидаги қўшимча киритиш мақсадга мувофиқ:

«32¹-модда. Васийлик ва ҳомийликдаги вояга етмаган шахснинг мол-мулкисини тасарруф этиш

Васий ёки ҳомий ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг даромадларини, шу жумладан унинг мол-мулкисини бошқаришдан тушган даромадларни фақат ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг манфаатларини кўзлаб ҳамда васийлик ва ҳомийлик органининг дастлабки розилигини олган ҳолда тасарруф этади, васийлик ёки ҳомийликдаги шахснинг ўзи мустақил тасарруф этиш ҳуқуқи мавжуд бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Алиментлар, пенсиялар, нафақалар, соғлиққа етказилган зарар учун тўловлар, боқувчисини йўқотганлик учун нафақа, шунингдек васийлик ёки ҳомийликдаги шахсга тўланадиган бошқа маблағлар васий ёки ҳомий томонидан очиладиган ҳисобварақда жамланади ва васий ёки ҳомий томонидан васийлик ва ҳомийлик органининг дастлабки розилигисиз тасарруф этилади, васийлик ёки ҳомийликдаги шахснинг ўзи мустақил тасарруф этиш ҳуқуқи мавжуд бўлган ҳоллар бундан мустасно».

«Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шакллари оилавий-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш» деб номланган учинчи бобда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш устидан назоратни амалга оширадиган субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шакллари қайта кўриб чиқиш ва оилавий-ҳуқуқий жавобгарлик масалалари, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш институтини такомиллаштириш истиқболлари таҳлил қилинган.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқи қонун билан қафолатланган. Фарзандликка олиш нафақат миллий давлатчилик миқёсида, балки халқаро миқёсда ҳам бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикасида ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш ва жойлаштириш борасида бир қатор диққатга сазовор ишлар қилинмоқда.

Шу билан бирга, қонун ҳужжатларида бу борада муайян бўшлиқлар ҳам мавжудлигини таъкидлаш ўринли. Хусусан, чет эл эллик фуқаролар томонидан ёки Ўзбекистон фуқаролари томонидан чет эллик вояга етмаган шахсни фарзандликка олиш билан боғлиқ масала кун тартибидаги долзарб муаммолардан биридир. Бу борада консуллик идоралари томонидан тегишли равишда боланинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари таъминланиши бўйича назорат олиб боришига эришиш мақсадида бу борадаги аниқ ҳуқуқий механизмларнинг белгиланиши мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сон 3-илова билан тасдиқланган Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) тўғрисидаги низомнинг 15-бандида фарзандликка олиш билан боғлиқ тартибот белгиланган бўлса-да, бироқ бошқа мамлакат ҳудудида яшовчи чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс томонидан болани фарзандликка олиш билан боғлиқ қоида мавжуд эмас. Шу боисдан мазкур низомга бошқа мамлакат ҳудудида яшовчи чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс томонидан болани фарзандликка олишга доир боб киритилиши лозим. Ушбу бобда болани фарзандликка олиш имкониятига эгаллиги борасида хулоса олиш учун тегишлича Халқ таълими вазирлигига мурожаат қилиши ва мурожаатга шахсини тасдиқловчи ҳужжат, боланинг ота-онаси вафот этганлиги ҳақидаги ҳужжат нусхаси ёки уларни бедарак йўқолган, вафот этган деб эълон қилинганлиги тўғрисида суд қарори ёхуд боланинг ота-она қарамоғидан маҳрум бўлганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжат, шунингдек фарзандликка олувчининг соғлиги, иш жойи ёки даромадга эгаллигини тасдиқловчи ҳужжат ва бошқа ҳужжатлар тақдим қилиниши белгилаб қўйилмоғи мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 196-моддасида болаларни оилага тарбияга олиш тўғрисидаги келишувнинг бекор қилиниши нормаланган бўлиб, унга кўра, болаларни тарбияга олиш тўғрисидаги келишув узрли сабаблар (касаллиги, оилавий ёки мулкый мавқеининг

ўзгариши, тарбиясидаги болалар билан ўзаро бир-бирини тушунмаслик ва бошқа сабаблар) мавжуд бўлса, болаларнинг тутинган ота-онаси ташаббуси, шунингдек васийлик ва ҳомийлик органининг ташаббуси билан ёки бола ота-онасига қайтарилган ёхуд бола фарзандликка олинган тақдирда муддатидан илгари бокор қилиниши мумкин. Болаларни оилага тарбияга олиш тўғрисидаги келишувни бекор қилишга оид низолар суд тартибида ҳал қилинади.

Муаллифнинг фикрича, мазкур модданинг номи «Болаларни оилага тарбияга олиш тўғрисидаги келишувнинг бекор қилиниши ва унинг ҳуқуқий оқибатлари» деб номланса ҳамда учинчи қисм сифатида «Оилага тарбияга олиш тўғрисидаги келишувнинг васийлик ва ҳомийлик органи ҳамда тутинган ота-она ўртасида бекор қилиниши оилага тарбияга олган ота-она ҳамда болалар ўртасидаги барча шахсий ва мулкӣ муносабатларни бекор бўлишига олиб келади», деб нормаланса, шунингдек тўртинчи қисм «Болаларни оилага тарбияга олган тутинган ота-она ва болалар ўртасидаги шахсий ва мулкӣ муносабатларга оид низолар суд тартибида ҳал қилинади» деб таҳрир этилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Оила қонунчилигида чет эл элементи иштирокидаги фарзандликка олишнинг ҳуқуқӣ механизмини мустаҳкамлаш зарур. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг икки томонлама шартномаларида фарзандликка олинган болаларни консуллик идораларида рўйхатдан ўтказиш, ушбу мажбуриятлар бажарилмаган ҳолларда жавобгарлик чораларини назарда тутиш мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришни тартибга солувчи оила қонунчилиги янада ривожлантирилишини тақазо этади. Болаларни тарбиялаш учун оилага қабул қилаётган (патронат) васий ва ҳомийликка номзодларни, фарзандликка олаётганлар ва оилавий болалар уйлариининг тарбияловчи ота-оналарини танлаш ва кузатиб бориш қоидаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарур. Ушбу қоидаларда қуйидагилар назарда тутилиши:

умумий қоидалар;

оилага қабул қилаётган (патронат) васий ва ҳомийликка номзодларни, фарзандликка олаётганлар ва оилавий болалар уйлариининг тарбияловчи ота-оналарини танлаш тартиби;

танловга ариза бериш тақдим қилинадиган ҳужжатлар;

васийлик ва ҳомийлик органининг функционал вазифалари ва мажбуриятлари;

оилага қабул қилаётган (патронат) васий ва ҳомийликка номзодларни, фарзандликка олаётганлар ва оилавий болалар уйлариининг тарбияловчи ота-оналарнинг мажбуриятлари;

якуний қоидалар.

Ушбу қоидаларнинг қабул қилиниши болаларни тарбиялаш учун оилага қабул қилаётган (патронат) васий ва ҳомийликка номзодларни, фарзандликка олаётганлар ва оилавий болалар уйлариининг тарбияловчи ота-

оналарини танлаш ва кузатиб боришда номзодларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланиши, шунингдек ушбу жараёнларни шаффоф бўлишига эришишга ва натижада ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари кафолатланишига хизмат қилади.

ХУЛОСА

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шакллари оилавий-ҳуқуқий тартибга солиниши мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқот натижасида назарий ва илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола деганда, объектив ёки субъектив сабабларга кўра, хусусан, ота-онаси вафот этган, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган, ота-оналик ҳуқуқи чекланган, муомалага лаёқатсиз деб топилган, узоқ муддат касал бўлган, боласи билан узоқ муддат бўлмаган, боласини тарбиялашдан бош тортган, унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаган, шунингдек тарбия, даволаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардан олишдан бош тортган вояга етмаган бола тушунилади.

2. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш деганда, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган боланинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қонун ёки битим воситасида таъминлашга қаратилган, болаларни оилага – ноинституционал тарбияга беришни, яъни фарзандликка олиш, васийлик, ҳомийлик белгилаш ёки тутинган оилага бериш, бундай имконият бўлмаганда эса, етим болалар ёхуд ота-оналар қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун тайинланган муассасалар («Меҳрибонлик уйлари», тарбия, даволаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш бошқа муассасалар)га тарбияга бериш шакли ҳисобланади. Болани жойлаштиришда унинг ижтимоий келиб чиқиши, муайян маданиятга, тилга мансублиги, тарбия ва таълим олишида ҳуқуқий ворисликни таъминлаш имконияти яратилиши шарт.

3. Амалга оширилган таҳлиллар натижасида Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул Оила кодексига қуйидаги мазмунда 161¹-модда киритиш таклиф этилади:

«161¹-модда. Чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлиб, бошқа давлат ҳудудида доимий яшаётган болани Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан фарзандликка олиш

Чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлиб, бошқа давлат ҳудудида доимий яшаётган болани Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан фарзандликка олиш мазкур бола доимий яшаётган давлатнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, фарзандликка олинаётган бола етим ва фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) яқин қариндоши бўлган

ёки ўз ватанида турли сабабларга кўра фарзандликка олиниши мумкин бўлмаган ҳолларда амалга оширилади.

Чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлиб, бошқа давлат ҳудудида доимий яшаётган болани Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан фарзандликка олишда фарзандликка олинаётган боланинг Ўзбекистон Республикасига кириши ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаши учун Ўзбекистон Республикаси ваколатли органининг рухсатномаси талаб қилинади».

4. Оила кодексининг 80-моддаси иккинчи қисмига ўзгартиш киритиш ва уни қуйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ:

«Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишлар ота (она)нинг (уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг), прокурорнинг, шунингдек вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти юклатилган орган ёки муассасалар (васийлик ва ҳомийлик органи, вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар муассасалари ҳамда бошқа муассасалар) даъвосига биноан кўрилади».

5. Оила кодексининг 170-моддасига ўзгартиш киритиш ва уни қуйидаги таҳрирда қабул қилиш таклиф этилади:

«170-модда. Фарзандликка олишни бекор қилишни талаб этиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар

Фарзандликка олинганнинг ота-онаси, прокурор, васийлик ва ҳомийлик органлари, вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар, шунингдек ўн олти ёшга тўлган фарзандликка олинган бола фарзандликка олишни суд тартибида бекор қилишни талаб этиш ҳуқуқига эга».

